



## Мирзачул.

Ана шу номни эшитганда киши кўз ўнгидаги Узбекистон пахтасининг салмоқли қисмини етказиб бераётган, обод ва серфайз ўлка намоён бўлади.

Бу ўлка бир пайтлар «қуш учса қанотини, одам юрса оёгини кўйдирадиган» яйдоқ чўл бўлган лигини катта ёшли кишилардан эшитганимиз, холос.

Уни ўзлаштирганлар кимлар? Бу савол ҳеч кими ни бефарқ қолдирмаса керак.

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти илтимосини қондирдигач, 1957 йил декабрь ойида Шариф Турдихўжаев чўлга келди. Юум-уюм қор барханлари, изгирин шамол ҳуштак чалади. Аҳён-аҳёнда бунёдкорларнинг чодирлари, вагон-уйчалар кўзга ташланади. Бошқа ҳеч вақо ўйк.

Авваллари маҳфий тутиларди, ҳозир очиқ-ойдин айтиш мумкин: чўлни ўзлаштиришга келганларнинг аксарияти судланганлар ёки муқаррар жазодан қочиб юрган жиноятчилар эди. Шу боис милиция ходимларидан ўта эҳтиёткорлик ва зийраклик талаб қилинади.

Ийлнинг ўрталарига бориб, барпо этилаётган Янгиер шаҳрига уч киши ташриф буюрди.

Уларнинг бири Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. И. Рибалико эди.

У Шариф ака билан олиб борилаётган ишлар ҳақида, камчилик, етишмовчиликлар хусусида анча суҳбатлашди. Кейин тезроқ зарурӣ идора (шаҳар партия қўмитасини) тузишга вაльда бериб жўнаб кетди.

Орадан кўп ўтмай Янгиер шаҳар милиция бўлими ташкил қилинди. У ЖКБ, БХСС ва терлов бўлинмасдан иборат бўлиб, яники участка вакили, иккнинафар сержант милиционерларни ўз ичига олганни.

ЖКБда Н. Абзалов, Х. Абдиев, Ф. Сайдуллаев ва бир ит боқувчи, БХССда В. Адамчук ва Ш. Турдихўжаев, терговда Ш. Шоҳайдаров, Баҳолдин, Муртазинлар бор эди.

Ўн уч-нафар ходими бўлган ИИБга Жўра Отамуродов бошлиқ эди.

Шароит оғир эди. Ишлаш жуда қийин кечарди, уч-тўрт хонали, таҳтадан ясалган уйчанинг ўзида тартиббузарлар сўроқ қилинади. Жиноятчи шахслар эса вақтинча хибда ушлаб туриш учун кўшини Ховос туманига юбориларди.

Ходимларда тиним йўқ эди. Негаки қурилиш материаллари, озиқ-овқат ва бошқа савдо моллари омборхоналар йўклигидан очиқ жойларда сақланарди.

Чўлдаги қурилишлар майдони кенгайгандан кенгарай, келаётган «кўнгиллilar» сони кўпайгандан кўпайиб борар, аммо бўлим ходимлари ҳамон ўша-уша — 13 нафар кишилигича қоладверди.

Бизлар ишимизни енгиллатиш мақсадида шу ергага одамларни жалб қи-

— 1957 йилнинг ёзида Янгиерга Узбекистон Компартияси МЦнинг биринчи котиби Н. Муҳитдинов ташриф буюрди. Катта чодирда йигилган фоаллар ўртасида Мирзачўлни ўзлаштириш борасида қилинётган ишлар ҳақида гапирди. Ҳеч ҳандай қоғоз-поғозсиз.

Унинг «Мирзачўл боғу бустонга айланади», — деган сўзлари ҳамон ёдим-

нига етганимизда, мен келётган юк машинаси бузилиб қолди. Иўловчи уловларни тўхтатишига қилган ҳаракатларим бекор эди.

Шунда мен сўнгги ҷора ни қўллашга мажбур бўлдим. Бу вақтда йўталим тутиб, оғзимдан қон кела бошлаганди.

Тўпномчани чиқарип рўпарадан келётган машинага юрдим. Ҳайдовчи қўрқанидан тўхтади. Унга гувоҳномамни кўрсатиб, Тошкентгача олиб кетишини илтимос қилдим.

Тунги соат учларда уйга кириб келдим. Насаллигимни ҳеч кимга билдиримай, топшириқни бажардим. Чунки хасталигимни билиб қолишиша, ишдан четлаштиришларидан қўрқардим. Анча вақт шундай ишлаб

## МИРЗА ЧЎЛНИНГ МИРЗОСИ

ла бошладик, — деб эслайди Шариф ака. — Ҳар биримизнинг маҳсус ёрдамчиларимиз бўлиб, уларга топшириқлар берардик. Ҳалқ вакиллари билан ўрнатилган бу алоқа иши мизда жуда асқотарди.

1957 йилнинг кузида қотиллик ҳақида хабар олдик. Воқеа жойини синчиклаб кўздан кечирдик. Маълум бўлишича, бир гуруҳ жиноятчилар Янгиердан ўтувчи темир ўйлнинг нариги юзида жойлашган дўкон қоровулини гумдан қилиб, молларни ўғирлаб кетишиган экан.

Исковуч итни чалгитиш мақсадида изларига кимёвий дори сепишибди.

Х. Абдиев бошчиллигидаги оператив гуруҳ жиноятчиларни Қозогистоннинг Туркистон шаҳрида қўлга туширдилар. Тадбир шу қадар тез ва пухта амалга оширилди, ҳатто кийимларига қон саҳраган жиноятчилар уст-бошларини алмаштиришга ҳам улгуришмади.

Яна бир мисол келтирай. Янгиер шаҳридаги қурилиш бошқармаси бошлиғи бир гуруҳ жиноятчилар билан тил бириктирган. Қалбаки ҳужжатларни расмийлаштириб, давлатнинг жуда катта миқдордаги маблагини ўзлаштириб келгандар.

В. Адамчук раҳбарлигидаги оператив гуруҳ жинойи ўюшманинг ҳамма аъзоларини қўлга олди.

Ходимлар ўз қуролларини доимо бирга олиб юришади. Чунки уларни сақлаш учун маҳсус жойнинг ўзи йўқ эди-да.

Даштда қонунбузарликнинг кўпайишига уч нарса сабаби эди. Биринчи, бу ерга келган ёшларни кўпчилиги илгари судланганлар, иккинчи, оиласиз, ўзбошимча бўйдоқлар, учинчиси, иш ҳақининг бошқа ерларга нисбатан 2-3 баравар кўп тўланиши. Бу пулларга эса спиртли ичимлеклар сотиб олиб искеъмол қилишади. Маст ҳолатда ур-йиқит, тўс-тўполонни авжга чиқардилар.

Бир оз сукунатга чўмган Шариф ака яна хотира-ларга берилади.

да. Ана шу гапларнинг нечоғлик амалга ошганини кўриш иштиёқида 1987 йили Янгиер ва Гулистан шаҳарларида бўлдим. Ўзим қачонлардир ишлаб, яшаган жойларимни тахмин қилиб ҳам тополмадим. Бу ерда ҳамма нарса янгича, замонавий.

Ҳа, илгари туман прокурори, терговчи вазифаларида ишлаб, назарий ва амалий билим ортириган Ш. Турдихўжаев учун Мирзачўлнинг оғир шаронтиларида кечган хизматлари ўзига хос чиниқиши мактаби билди.

— 1957 йилнинг қиши. Иссиқ демай, совуқ демай ишлаб юравериб, ўпкамни шамоллатиб қўйибман. Ёш, бақувватлигим туфайли сил касалига йўлиқнамини билмабман ҳам.

Бир куни бошлиғимиз ме-ни томшириқ билан Тошкентта юборди. Чиноз тума-

юридим. Аммо оғир шаронит умуман тинкамни қуриди. Охири ётишга мажбур бўлдим.

Шариф ака анча сукут сақлагач, ҳазин оҳангда давом этдилар.

— Сил касаллиги Мирзачўлдан абадий эсдалик бўлиб қолди. Инкинчи гуруҳ ногирони эканлигимга қарамай, Тошкент шаҳар Киров тумани ИИБда штатсиз участка вакили бўлиб ишладим.

Мана, чўлни ўзлаштирганимизга ҳам 35 йил бўлиди. Мен унинг бунёдкорлари каторида милиция ходимларининг ҳам хизматлари беқиёс эканлигини таъкидламоқчиман, холос.

Миркарим МИРСОВУРОВ.

**СУРАТДА:** 1957 йилнинг ноябрини Ш. Турдихўжаев (ўнгда) қурилишни кўздан кечирмоқда.

Патрул-пост хизмати ходимлари зиммасига жамоат жойларида тартиби сақлаш вазифаси юклатилган. Уларнинг сергаклиги туфайли осоиышталик хукмрон ва жиноятларнинг олди олини оқонди.

**СУРАТДА:** Сирдарё шаҳар ва туман ИИБ патрул-пост хизмати ходими милиция старшинаси Гафур Рустамов ва милиция сержантини Зиёдулла Мусаев тартиббузар мотоцикл ҳайдовчиси билан сұхбатлашмоқдалар.

Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

## КИМИ

## АЛДАЯПМИЗ?

Инсоният пайдо бўлибди, тўғрисўзликни энг улуг фазилат ҳисоблашди. Мавлоно Муқимиининг «Гар қилич бошимга ҳам келса дегайман ростин...» деган сатрлари бу фикринг ёрқин исботидир.

Айтайлик, бирор фуқаробирор безоридан қаттиранж тортиди. Табиий, бу ишга милиция, прокуратура ва ниҳоят суд аралашади. Четдан қараганда ҳуқуқ-тартибот органлари иши ниҳоятда жўн туолиши мумкин. Чунки даъвогар даъво қилияти, айбор жазо кутяти, Ҳуш, аслида ҳам шундайми?

Ўткирбай Каттабеков Гагарин номли давлат ҳўжалиги ҳудудидаги С. Сарафий кўчасида, яна ҳам аниқроғи 23-ўйда истиқомат қилади. Инкинчи гуруҳ ногирони. Еши 28 да.

Шу йигит 21 апрель куни соат 24 ларда маҳтозатда Улугбек кўчасидаги 1-ўйда истиқомат қилувчи Гулсина Давированинга келади.

Эшикни оч, сенда гапим бор, — дейди.

Аммо уй бекаси унинг мастилигини сезиб, бу таклифи рад этади.

Ўткирбайнин кайфи тарор эмасми, ўзини ҳуқоратланган сезади ва пешайвонинг ойнасини уриб синдиради.

Гулсина милиция чақириш учун деразадан ўғлини чиқарип юборади.

Буни сезган ўткирбай де-вор оша қочади, шунда унинг ённадаги миллий пичоги тушиб қолади.

Ана шундан кейин Гулсина ИИБ бошлиги номига шошилмай ариза ёзишга киришди. Унинг баён қилишича, ўткирбай маҳтозат ҳолда келиб, эшикни очинши талаб қилган, у кўнмагач, уятли сўзлар билан сўкиб, пешайвон ойнасини пичоқ билан уриб синдириган. Ҳамма билади, пичоқ аралашдими — тамом, бу жиноий иш ҷора кўрмай қолдирилмайди.

Ўткирбай ўша кеча қочибчиқиқач, таниши Норбой Махоновникига боради. Бир оғзаппалиб ўтиради ва шу ерда ухлаб қолади. Эртасига эса милиция ходимлари қўлга олишади.

Шу билан тергов ҳаракатлари бошланиб кетди. Айбланиувчи чиндан ҳам ўша куни Гулсина тунда маҳтозат ҳолда безовта қилганини, рад жавобидан кейин ойнани пичоқ билан уриб синдириганини ва ниҳоят ўша пичоқни хонадон бекасига қараб отганини «тан олиб» кўргазма берди.

Начора, чиқмаган жондан умид, дейдилар. Ўткирбай бир неча марта эркак бошлини ҳам қилиб боравергач, Гулсинани юраги тош эмас, кечириб юборди. Шу боис туман ҳалқ суди ўткирбайга нисбатан қўзғатилган ишни юмшатишига мажбур бўлди. ЖМнинг 204-моддаси 2-қисми эмас, 1-қисмига асосланиб ҳукм чиқарди. Айборга 200 сўм жарима солинди.

Аслида суд ҳайъати Гулсинани ҳам, ўткирбайнин ҳам ёлғон кўрсатма берганлиги учун ЖМнинг 161, 162-моддаларига биноан айбор деб топиши мумкин эди. Аммо одамгарчилик деган нарса бор...

Н. ҲАЗРАТҚУЛОВ, Ильч тумани ҳалқ суннинг раиси,

Ф. МАЛИКОВ, ИИБ бошлиғи ўринбосари, милиция капитани.



# Револъен

«1989 йил 5 декабрь куни эрим мени машинасида ишхонамга кузатиб кўймоқчи бўлди. Соат 9 яримларда иккимиз ўйла чикдик. Ҳаво совуқ эди. Иккни юнгит кўл кўтарди. Утиб кетиб тўхтадик. «Кел, со вуқда туришмасн, олиб кета қолайлик», — деди эрим.

Улар Қўйлиқда олиб бориб қўйиншизни илтимос қилишиди. Йўл-йўлак мени ишхонамда қолдиришиди. Уша куни эрим уйга қайтмади, эртаси куни Куйбисhev тумани ИИБга мурожаат қилдик. Орадан 39 кун ўтгач, яъни 13 январь куни у кишининг жасадини олиб келишиди...».

Жабрланувчи Нурматовинг кўрсатмаси.

«24 октябрь куни кеч соат 7 яримларда «ВАЗ-21011» белгили П 7337 ТН рақамли машинанин «Зарафшон» ресторани ёнидаги тўхташ жойига кўйиб, тамадди қилиб олмоқчи бўлдим. Ресторандан чиқиб қарасам, машинам кўйган жойимда йўқ. Милицияга шошилинич хабар қилдим. Тунги соат 2 ларда улар машинанин топишганларини айтишиди. Биргаликда Тошавтомаш даҳасига келдик. ДОССАФ баноси ёнида машинам ёндирив юборилган ркан...».

Жабрланувчи Б. Абдурахмонов кўрсатмасидан.

«16 декабрь куни дўстим В. Рўзматов билан бирга марказий кўмомли дўконга келдик. ВАЗ-2106 белгили Л 65—01 ТШ рақамли машинанин ташқарида қолди. Қайтиб чиқиб, машинанин ўғирланганини сездик. Милицияни огох этдик. Орадан бир мунча вақт ўтгач, милиция ходимларидан машинанин топилганини эштидик. Эски ТОШМИ ёнида машинанин олиб қочганлар «Икарус» автобусига уриб юборган экан. Ўнг томони пачоқланиб кетган, пешойнасида қон излари бор эди...».

Жабрланувчи Т. Муслимов кўрсатмасидан.

Аҳоли сони тобора ўсиб бораётган, бирор-бировни танимайдиган Тошкентдай шаҳри азимда кетма-кет рўй берган бу воқеаларни кўпчилик эшитмаганлиги табиди. Аммо шу тифайли беқиёс азинч чекканларнинг оҳ-ғирони кўкка ўрмалади. Ўғирланган машиналарнику қўяверинг, нари борса темир, деймиз. Аммо битта одам ҳалок бўлди, унинг жасадини Чирчиқ дарёсидан топишиди. Демак, у 39 кунгача сув остида ётган. Энг алам қиласидан (ҳаммадан ҳам унинг рафиқасига бола-цақасига) ўқтам Нурматов бирор эҳтиётсизлик тифайли сувга тушиб кетмаган. Уни ўлдириб (тўғриғи отиб), кейин оёғига қоп кийдиришган, қопни тош билан тўлдиришган ва ниҳоят уч кишилашиб дарёга улоқтиришган. Худди муцукнинг жасадини иргитгандек...

Ўқтам Нурматовинг мурдаси топилгандан кейин ҳам бу борадаги мишишлар босилмади. Бирор у деди, бирор бу. Аммо аслида нима бўлганини, марҳумининг ўлими кимга ва нима учун керак бўлиб қолганини ҳеч ким билмасди. Куллас, мишишларга

чек кўйиладиган, фалокатлар сабаб ба оқибати атрофича таҳтили қилинадиган кун ҳам келди. Тошкент шаҳар суди биносида уч кунгача (июль ойида) очиқ суд мажлиси давом этди. Шаҳар судининг жинонӣ ишлар бўйича ҳайъати бир йўла тўрт юнгитчанинг ишини кўриб чиқди. Ба уларнинг ҳар бири Ҳубозистон Жумҳурятин жиноят мажмусига биноан жазоландилар.

Муҳтарам ўқувчиларга тушунарли бўлсин учун уларнинг ҳар бирини алоҳида-aloҳида таништирсанда, кейин қилғиликларини фош этсан.



Зафар Тоиров 1967 йилда Тошкентда туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, ўланмаган. Муқаддам 1988 йилда ҳарбий трибунал томонидан судланган ва РСФЖ ЖМНинг 145-моддаси 2-қисмига асосан бир йилу 6 ойга озодлиқдан маҳрум этилган. Тошкент шаҳридаги Калинин ҳамдасида, З-йида истиқомат қилиб келган. Ҳеч қаерда ишламаган.

Эркин Гоибназаров эса 1967 йилда ўш вилоятининг Ўзган шаҳрида туғилган. Ўзбек, маълумоти ўрта, муқаддам судланмаган. ТТЗ—2 даҳасида, 11-йишининг 31-хонадонида яшаб келган. Қамоқца олингунга қадар ҳеч қаерда ишламаган.

Аълобек Ҳакимбеков эса 1967 йилда Тошкентда туғилган, ўзбек, маълумоти ўрта, ўланмаган. Муқаддам судланмаган. Афғонистонда ҳарбий хизматни ўтаган. У ҳам ҳисбса олингунга қадар ҳеч қаерда ишламаган.

Шуҳрат Шарафутдинов эса 1965 йилда Чирчиқ шаҳрида таваллуд топган. Миллати тоҷик, ўрта техника маълумоти бор, бўйдоқ. «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳайдовчи эди. Чирчиқ шаҳридаги «8 март» ҳамдасида, 36-йида истиқомат қилиб келган.

Бир қарашда кўнгилсиз воқеаларнинг бошланиш нуқтаси Аълобек Ҳакимбековга боғлиқдек туюлади. У 1989 йилнинг 12 ноябрь куни «Пахтакор» ўйингоҳи ённдан, аникроғи «Ёшлиқ» комплекси ҳудудидан «Револъвер» тишидаги кўлда ясалган қуролни топиб олган. Қуролнинг тўртта ўзи ҳам бор эди. У юқорида айтганимиздек, Афғонистондаги мақсадсиз урушда иштирик этган. Эҳтимол кўз ўнгидаги

не-не бегуноҳ йигитлар шу каби қуролдан отилган ўқлар туфайли ҳаётдан кўз юмгандир. Ҳар ҳолда бу ёги бизга қоронғи. Лекин барнибир у мавжуд қонунин бундай қуролни сақлаш жиноят эканлигини яхши билган. Билган бўлсада, ички ишлар идорасига топширмади, қайтанга уйнга олиб бориб яшириб қўйди. Кейинчалик эса ўша қуролни Зафар ва Эркинларга берган. Ҳаммаси шундан бошланди.

Зафар ва Эркиннинг ҳибсага олингунга қадар гирт бекорчи бўлишгани ҳам муҳтарам ўқувчиларимизга сир эмас. Табиики, бирор жойда ёлчитиб ишламасанг, пул топиб бўлмайди. Пулсиз яшаш кўп душвор.

Аммо бу юнгитчалар муаммони ўзларича ҳал этишиди. Кўча-кўйда нима кўп — бир-бирини қувлашиб ўтаётган машиналар кўп. Биттасини тўхтатиб, овлоқроқ жойга олиб бориша бўлгани. Ҳар қандай десифат ҳайдовчи ҳам тўплончани кўргач шайтонлаб қолади. Машинани сотиша, ҳеч бўлмаганда қисмларга ғажратиб пуллашса бўлди. Анча-мунча вақт мобайнида «шоҳона» ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлишади.

Шундай қилишиди ҳам. Уша машъум кун соат 11 лар атрофида Пушкин ва Жуковский кўчалари кесишиган чорраҳада «ВАЗ-21063» белгили Т 07 67 ТН рақамли машинани тўхтатишиди. Одам шаклидаги иблислар домига тушган марҳум ўқтам Нурматов эди. Зафар орқа ўриндиқдан, Эркин эса ҳайдовчи ёнидан жой олишиди.



Уларнинг режалари амалга ошиди. Файзулла Ҳўжаев номли боши берк кўчага бурилгач, тўхташи илтимос қилишиди. Шу пайтинг ўзида Зафар қуролни чиқариб, ўқтам Нурматовни отиб ташлади. Ўқтам Нурматов шу заҳотиёқ мангуга кўз юмди.

Зудлик билан мурдани орқа ўриндиқ ётқизган ваҳшийлар йўлга тушишиди. Машинани Эркин бошқарди. Черданцев ҳамдаси Максим Горький шоҳкўчалиси билан кесишиган жойда Аълобекни ҳам машинага чиқариб олишиди ва Бўстонлиқ тумани тарафга елиб кетишиди.

«Жигули» учун йўл ҳеч нарса эмас. Орадан кўп ўтмай асрлардан бери бир меъёрда оқаётган Чирчиқ соҳилига (бу ер «Чотқол» дам олиш ўйидан унча узоқ эмас) етиб келишиди. Титраб-қаишаб мурдани машинадан чиқаришиди. Оёғига қоп кийдириб bogлашиди. Қопни эса тош билан тўл-

диришиди. Кейин биргалашиб сувга улоқтиришиди. Энди ўлжани «ҳазм» қилиш керак, яъни машинани пуллаш лозим. Ана шу мақсад билан Чирчиқ шаҳрига келишиди. Машинани Эркиннинг танишини ўйида қолдиришиди. Эртаси куни эса учловон муқаддам судланган Шуҳрат Шарафутдинов билан «бор-барака» қилишиди. Ўғирлик улов 2 минг 500 сўмга пулланди. Харидор қолганини кейин бериш шарти билан ҳозирча 300 сўм тутқазди.

Суд ҳайъати шунга ҳам жиддий зътибор берди. Қайсики, Шуҳрат машина жиноий йўл билан кўлга киритилганини, ҳеч қанақа ҳужжатлари йўқлигини яхши билсада, ҳаромдан ҳазар қилмаганди.

1989 йил декабрь ойларининг ўрталарида Аълобек Гоибназарлар гаражда унинг отасига тегиши билан қуролни учта ўки билан олди ва ўз ўйида (ҳожатхонада) 13 январга қадар ноқоний равишда сақлади. Милиция ходимлари бу қуролни Ҳакимбеков гумондор тариқасида қўлга олингандан кейин мусодара қилишиди.

Кошки бу жиноий тўданнинг кирдикорлари шу билан ниҳоясига етган бўлса. Афуски бундай бўлмади. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан.

Эркин Гоибназаров 24 октябрь куни «Зарафшон» ресторанин ёнида турган машинани обдон кузатди. Этаси кўринмагач, секинаста (худди ўғри мушукдек) яқинлашиб борди. Эшниклари беркитилган экан. Ҳечқиси йўқ. Бунақа ишларга унинг сугаги йўқ.

Тўғри унигина ҳайдадим. Ўғирлашда қайтадан кийиниши келишиди керак эди. Машинадан тўғлончани тошиб олдим ва вақтнча сақлаш учун Аълобекка бердим. Кейин Зафарни ҳам олиб, Чирчиққа қараб кетдик. У ерда машина бузилиб қолди. Тошкентга ўлдиришда ва ҳеч қанақа ўғирлашда иштирок этганим йўқ.

Тўғлончани ўтмай ўша машинани «Тошавтомаш» даҳаси томонга учирив кетди. Хилватроқ жойда тўхтади ва қўлга илингүлик эҳтиёт қисмларини ечиб олиб, номаълум кимсага пуллади. Юқорида айтганимиздек, бу машина ёқиб юборилган ҳолатда топилди. Қисқа қилиб айтганди, жабрланувчи Б. Абдурахмонов 5 минг сўмга тушди.

16 декабрь куни эса иккниши бориб, яъни дўстини Зафар билан амалга ошириди. Соат тахминан 14 лар эди. Тошкентдаги марказий кўмомли дўкон ёнидаги «Жигули» уларни ўзига оҳанграбодек тортиди. Зафар унинг эгасига кўз-қулоқ бўлиб турди. Орадан кўп ўтмай асрлардан бери бир меъёрда оқаётган Чирчиқ соҳилига (бу ер «Чотқол» дам олиш ўйидан унча узоқ эмас) етиб келишиди. Титраб-қаишаб мурдани машинадан чиқаришиди. Оёғига қоп кийдириб boglaшиди. Ҳудди муцукнинг жасадини иргитгандек...

машина 7971 ТНЛ рақами «Икарус» билан тўқнашиди. Ҳозир ким кўп — текин томоша талаборлари. Қолаверса, ДАН ходимлари ҳам тез орада етиб келишилар мумкин. «Овчи»лар ўнга ўйлаб, тайёр бўлиб қолган «ўлжа»дан воз кечидилар. Имкон борида қуён бўлди. Бу сафар ҳам жабрланувчи Т. Муслимовга 2 минг 800 сўм моддий зарар етказилгани уларнинг хаёлига ҳам келмади.

Халқимизда қочган ҳам, қувган ҳам худо дейди, деган нақл бор. Мана, улар бугун суд залида — қора курсида ўтиришибди. Чирчиқ маган жондан умид қилиш япти. Аммо ҳаммаси бекор.

Судланувчи Зафар Тоиров: — Менга нисбатан зълон қилинган айб нотўғри. Мутлақо унда бўлмаган. 5 декабрь куни бизнисида тўрт қаватли уйга бориб ўтирибди. Чирчиқка бориб, Эркиннинг Гоибназаров ва Ҳакимбековлар келишиди. Айлануб келамиз, дейишиди. Чирчиқка бориб, Эркиннинг Маметов деган ўтргони қидирдик. Аммо машинамиз ўт олмай қолди. Ноилож такси тутиб Тошкентга кетдик. Эртаси куни эса учловон муқаддам судланган Шуҳрат Шарафутдинов билан «бор-барака» қилишиди. Ўғирлик улов 2 минг 500 сўмга пулланди. Харидор қолганини кейин бериш шарти билан ҳозирча 300 сўм тутқазди.

Суд ҳайъати шунга ҳам жиддий зътибор берди. Қайсики, Шуҳрат машина жиноий йўл билан қўлга киритилганини, ҳеч қанақа ҳужжатлари йўқлигини яхши билсада, ҳаромдан ҳазар қилмаганди.

Судланувчи Эркин Гоибназаров: — Автомашина ўғирлашда қисман айбим бор. Уша куни сартарошонадан тўрт қаватли уйга бориб ўтирибди, кейин Ҳакимбековни учратиб, уни ҳам машинага чиқариб олдим. Тўғри унигина ҳайдадим. Ўғирлашда қайтадан кийиниши келишиди. Маметовдан машинани сотиб беришини илтимос қилдик. У Шарафутдиновга 2 минг 500 сўмга сотди. «Ҳамир» учидан патир» деганларидек, 300 сўмни олиб, яна ўйимизга ҳайдадим. Аммо кейинчалик Шарафутдинов машинани олмаслигини айтди. Машинадан тўғлончани тошиб олдим ва вақтнча сақлаш учун Аълобекка бердим. Кейин Зафарни ҳам олиб, Чирчиққа қараб кетдик. У ерда машина бузилиб қолди. Тошкентга бошқа машинада ҳайдадим. Ўғирлашда иштирок этганим йўқ.

Тўғлончани ўтмай ўша машинани «Тошавтомаш» даҳаси томонга учирив кетди. Ҳудди муцукнинг жасадини иргитгандек...

24 октябрь куни эса соат тахминан 22 ларда «Зарафшон» ресторанидан чиқиб, битта «Жигули»нинг эшниклари очиклигини кўрдим. Ўтириб, «ТТЗ» томонга қараб кетдим. Кейин магнитофонини, кассетларни, пешойнасини ва битта эҳтиёт ғилдирагини ечиб олдим. Ўғирлаган нарсаларни нотаниш кишига сотиб юборганиман. Пулни эса эҳтиёжимга ишлатганиман.

## ЮЗ ФОИЗ ОБУНА БҮЛИШДИ

«Постда» ўзининг ранг баранг чиқишилари билан кун сайн ўқувчилар меҳрини қозониб бораётган рўзномалардан бири. Берлаётган турли хил фикрлар, жиноятичилик, унга қарши кураш, қонунчиликнинг бугунги аҳволи тўғрисидаги чуқур таҳлили мақолалар ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдираётгани йўқ. Бу, шубҳасиз, обунага ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди, албатта.

Тошкент вилояти ИИБ ходимлари аллақачон бу рўзнома тимсолида ўзларининг энг яхши маслаҳаттўйи, ҳамдардини қўришган. Шу сабабдан бўлса керак, улар келаси йил учун «Постда» рўзномасига юз фоиз обуна бўлишиди. Январь ойидан бошлаб 4060 нафар милиционер хонадонига севимли рўзноманинг ўзи ташриф буоради.

М. МИРСОВУРОВ.

РЎЗНОМАДА  
БОСИЛМАДИ, АММО...

## ШИКОЯТДА ЖОН БОР ЭКАН

Тошкент шаҳар ИИБга қарашли бошлангич тайёргарлик мактабида таҳсил олаётган бир гурӯҳ ўқувчилар таҳририятимизга мактуб йўллашганди. Улар ўз хатларida ижтимоий ҳуқуқларининг камситилаётгани, дарсдан ташқари вақтларда шаҳарини туманларига жамоат тартибини сақлаш ишига жалб этилаётгандар хусусида баён қиландилар.

Муҳарририятимиз сўровига биноан ИИБ шахсий таркиби тарбиялаш, ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармасидаги ўртоқлар ушбу фактлар юзасидан текшириш ўтказиб, қўйнагиларни билдиришди.

«Текшириш натижасида хатда келтирилган фактлар ўз тасдирини топди. Бу ҳақда маъдумотнома Узбекистон Жумҳурияти ИИВнинг вазир ўринbosari, шаҳар ИИБ бошлиғи милиция генерал-майори Ж. Камолхўжаевга чора кўриш ва муаммоларни бартараф этиш учун юборилди».



Кўпинча участка инспекторлари ўзларига яқинидем ёрдам берётган кўнгилли ҳали дружиначилари [КХД] хизматларига доим ижобий баҳо берадилар. Дўстлик шаҳар ИИБ участка инспектори милиция капитани Баҳодир Нурметовнинг фикри ҳам шундай. У дружиначилар билан ҳамкорликда бир қанча ишларни самарали ажунлаган.

СУРАТЛАРДА: «Участковой» ва унинг ишончли ёрдамчилари;

Б. Нурметов қўлбона савомон тайёрларни фуқаро билан.

Савдулла БОБОЕВ олган суратлар.

## МЕН СИЗНИ КУТАЯПМАН

Мен Тошкентдаги ҳуқуқшунослик олий билимгоҳининг 3-босқич талабасиман.

Қишлоққа боргандим. 10 ноябрь куни 85-23 ТШН рақами «Икарус» автобусида Кўқондан Тошкентга қайтдим. Етиб келдик. Юхонага кўйган «Лада», ёзувли қора сумкамни оддими юрагим «шув» этиб кетди. Чунки бу сумка менингга айнан ўхшаш бўлсада, аслида бошқа кишига тегиши экан.

Менинг сумкамда минг сўм пул, кийим-кечакларим ва егулик майдо-чўйдалар бор эди. Бу сумкамдан эса кийик сурати туширилган беш дона деворга осиладиган чойшаб, ёш болнан бир жуфт оёқ кийими ва пайоги ҳамда иккى кило гўшт чиқди. Қандайдир англашилмовчилик бўлгану бир бечора янгилишиб, менинни кўтариб

кетган кўринади.

Бу ҳақда ҳозирча милицияга хабар қилганим йўқ. Негаки юртдошлариминг ҳалолпокиса хислатларига қаттиқ ишонман. Инсофи эканликларидан умид қиласман.

Шу боисдан ҳам «Постда» рўзномаси орқали у кишига мурожаат қилмоқчиман.

Қадрли ўртоқ!

Эҳтимол сиз онам ёки отам тенгидирсиз, балки акам ёки опамга тенгдошдирсиз — бунинг фарқи йўқ. Ҳойнаҳой мен каби йўқолган сумкагизни кидириб (балки бу чойшаблар яхши кунингизга аталгандир) жигибийрон бўлиб юргандирсиз.

Агар шундай бўлса, менга хабар қилинг. Талабалар шаҳарчасидаги 1-ётоқхонёнинг 102-хонасида истиқомат қиласман. Исли-шарьифим:

Малоҳат РАҲИМОВА.

## «ПОСТДА» СИЗ ИСТАГАН РЎЗНОМА!

АГАР —

ҲУҚУҚИЯ МАСЛАҲАТГА МУХТОЖЛИК СЕЗАНГИЗ,  
ЯНГИ ҚОНУН ШАРХЛАРИ БИЛАН ТАН ИШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,

ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИР ЭГАЛАРИ БИЛАН УЧРАШМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,  
ҚАТАГОН ВИЛЛАРИ ҚУРБОНЛАРИ ҲАҚИДА БИЛМОҚЧИ БУЛСАНГИЗ,  
ЖИНОЯТИЧИЛИК БИЛАН КУРАШ АҲВОЛИДАН ХАБАРДОР БУЛИШИН ИСТАСАНГИЗ,  
ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТНИ МУСТАДКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНГИЗ  
ЭШТИЛИШНИ ҲОХЛАСАНГИЗ.

АДОЛАТСИЗЛИКДАН НАЖОТ ИСТАСАНГИЗ,

СИРА АДАШМАСДАН «ПОСТДА»ГА ОБУНА БЎЛИНГ.

У БУ ЙИЛ НАРХИ ОШМАГАН ЯГОНА РЎЗНОМАДИР.

ОБУНА БАҲОСИ — БИР ЙИЛГА 15 СУМ 60 ТИЯНН, ЯРИМ ЙИЛГА 7 СУМ 80 ТИЯНН.

УЧ ОНГА З СУМ 90 ТИЯНН.

ОБУНА РАҶАМИ (ИНДЕКСИ) — 64615.

КЕЛГУСИ ПИЛИ РЎЗНОМАНИНГ СОТУВДАГИ НАРХИ ОШИШИ МУМКИН. ОБУНА НАРХИ ЭСА УЗГАРМАДИ.



Оғир қайғу инсон қаддин дол қиласи, кўзда алам ёшларини гирён этади, баҳт қуёшини қора булат мисол тусади. Шунда руссада қолган инсон кимгадир суюнгиси, кимдан дар тасалли эшитгиси келади. Ташвиш ботқоғидан чиқишида кимнингдир ёрдамига муҳтоҷ бўлади. Гамаламга шерик бўлувчи, қийинчиликларни биргалиқда енгувчи ўша кимдир ким?

Топдингиз. Сарлавҳадаги тўрт ҳарфли каломга лойиқ киши.

Мен ҳозир дўст ҳақида бирон бир фалсафий мушоҳада юритмоқчи эмасман. Фақат бошимдан ўтган биринки воқеаларни ҳикоя қилмоқчиман, холос.

Бир дўстим бор. Қишлоқ дошлари орасида шоир, деб ном олган. Бир-бира мизникига борди-келди қилиб турамиз.

Бир куни сұхбат чорида дўст ва дўстлик ҳақида узоқ мунозара қиласик. Охири дўст иккি тоифага бўлинади, дея хуласаландик. Бир фақат яхшилик қилишини ўйласа, иккинчиси шахсий манфаатини кўзларкан. Дўстим яна юйшиб қўйди: «Дўстни иккি марта синаф кўринг. Бирда газабланинг, унга нисбатан совуқ муносабатда бўлинг, иккинчисида унинг энг яхши кўрган нарсасини сўранг». Мен шундай қилмоқчи бўлдим. Фақат ҳақида бирини? Ўйлаб-ўйлаб шоир дўстимнинг ўзини мўлжалга олдим. Ва уларнинг маҳалласидаги тўйда уни учратиб, совуқ саломлашдим. Сўз беришганда барча дўстларимнинг исмини келтириб, уларга ўхшаб олижаноб бўлишини куёв болага тиладим. Тўй охиригача унга нисбатан кайфиятимни бир хил тутдим.

Дўстим эртаси ишонамга қўнғироқ қилиб, деди: «Мен берган маслаҳатни ўзимда синаф кўраяпсизми? Дадамнинг дадаси бига эсдалик қолдириган эди. Сизни номингизни айтиб, кеча Шокиржон олиб кетди. Нима, мени яна сиаб кўрмоқчимисиз?

Хаммасини тушундим. Шокиржон отли дўстим мени номидан сўрад, «Қуръон»ни шонир дўстимдан олиб кетган экан.

«Қуръон»ни эртагақ қайтаришга ваъда бердим

ва дўстимдан самимий кечирим сўрадим.

## ДЎСТ

Қоғоз-қалам олиб, мана бу шеърни ёзинг.

Улурни улуғла, келтир хурматин, Шунда сен оларсан улуғлик кутин...»

Мен бу мисраларни қаймаёнда жаранглаганини анча кейин англадим.

Иккинчи шартни дўстим ёмон кўрадиган, менинг вазифамдан фойдаланиш орғусида юрган бир кишида (у мени кўп давраларда ўзига дўст деб таништиради) синаф кўрдим.

Ундан яхши кўрган нарсасини сўрадим. Ҳасасини сўрадим. Ўзига бўлмаса ҳам топиб беришга уринишни айтди.

Орадан иккى кун ўтгача қизим бир киши қоғоз ва китоб олиб келғанинги айтди. Хурсанд бўлдим. Қўнғироқ қилиб миннатдорчиликимни билдирим. Лекин бекорга хурсанд бўлган эканман.

Шоир дўстимнинг ўғли аскарлиқдан қайтан куни уйига оиласиз билан бордик. Бир оз ўтириб дам олганимиздан сўнг дўстим менга берилган нарсалар ҳақида сурширига қолди. Бу ҳақда қандай билғанинги сўрамоқчи эдим, ўзи гапириб қолди:

— Дадамнинг дадаси бига эсдалик қолдириган эди. Сизни номингизни айтиб, кеча Шокиржон олиб кетди. Нима, мени яна сиаб кўрмоқчимисиз?

Хаммасини тушундим. Шокиржон отли дўстим мени номидан сўрад, «Қуръон»ни шонир дўстимдан олиб кетган экан.

«Қуръон»ни эртагақ қайтаришга ваъда бердим ва дўстимдан самимий кечирим сўрадим.

Фахридин МУШТОКОВ,  
Сирдарё вилояти ИИБ  
бўлим бошлиги.

## ЁНИНИ ОЛАВЕРМАНГ

Шу мақолани ўқингу ёқанинг ўшлаганча тавба денг. «Вой, нега?» деганингиз нимаси? Йўқса, нақ қирқ ёшни уриб қўйган одам — Шуҳрат Каҳхоров келиб-келиб нафснинг қурбонига айланиб қолармиди? Бу ёшдаги киши «Бироннинг ҳақига ҳиёнат қиласи, текин тешиб чиқади», деб ёшларга насиҳат қилиши лозим. У эса аксинча ўй тутди. Яъни шу йилнинг 14 марта куни ўзига биринчирилган ГАЗ-24 белгили давлат рақами 87-39 ТНА бўлган автомашинасида Янгибозор шаҳридан, йўловчилар — О. Аҳмедов, Р. Жабборов, Сатторовларни Чирчиқ шаҳридан.

Суд ҳайъати унинг қилган ишидан қаттиқ пушаймонлигини, оиласив аҳволи оғирлигини, мукаддам судланмаганини, ижобий таърифномасини инобатга олиб... 100 сўм жарима тўлашга ҳукм чиқарди.

Қўрдингизми, бизнинг қонуналаримиз нақадар одил.

М. ҲАКИМОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Узбекистон Жумҳурияти «Шарқ» нашриёт-матбавчилик концерни  
босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: мұхаррир — 54-37-91, мұхаррир ўринbosari — 39-77-23, мұхбирлар бўлими — 59-26-58, умумий бўлими — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ»)  
Орган коллегии МВД  
Республики Узбекистан  
26399 нусхада чоп этилди.